

Ўздавнефтгазинспекция”нинг нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, куриш, ишлатиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссиясининг 2018 йил “22”июндаги 1-сонли ийғилиш баёнига **2-илюва**

## МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР

### II-бўлим.

#### **Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида техник кўрик ўтказиши бўйича минимал талаблар**

##### **2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар:**

- а) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган обьектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш” бўйича маҳсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;
- б) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;
- в) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегат ва бошқа ускуна ва жиҳозларнинг лойиҳага мувофиқлиги;
- г) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида ҳисоб-китоб тизимини яратилганлиги ва газ ҳисоблаш ускунасининг яроқлилигини тасдиқловчи мутасадди корхоналар томонидан берилган хужжатларни мавжудлиги;
- д) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида «Ўздавнефтгазинспекция»нинг худудий бўлимлари билан келишилган автомобилларга газ тўлдириш регламентининг мавжудлиги;
- е) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишида ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар микдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услуб (методика)ни мавжудлиги;
- ж) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида газни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишида ўлчов воситалари ва газ тўлдириш устунлари билан таъминланганлиги, ҳолати ва ўлчов воситаларининг белгилаб қўйилган техник талабларга мувофиқлиги текширувдан ўтказилганлиги;
- з) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчаси газни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишига оид меъёрий хужжатлар билан таъминланганлиги;
- и) фаолият юритаётган автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасида ишлаб чиқарилаётган сиқилган газ маҳсулотига мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги;
- к) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчасига ўрнатилган газ ҳисоблаш комплексининг номи, қиёслашдан ўтказилганлиги ва сертификатларининг мавжудлиги;
- л) автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчада ишлаётган операторларнинг малакаларини оширганлиги тўғрисида гувоҳомаларнинг мавжудлиги.

Эслатма: Топширилган хужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).

### **III-бўлим.**

#### **Автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларида техник кўрик ўтказиш бўйича минимал талаблар**

##### **2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар:**

а) автомобилларга газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган обьектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш” бўйича маҳсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;

б) автомобилларга газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;

в) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегатлар ва бошқа ускуна ва жиҳозларни жойлашувининг лойиҳага мувофиқлиги;

г) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган насосни сўриш технологик тизимида фильтр билан, газни ҳайдаш тизимида тескари (обратный) клапан билан жиҳозланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

д) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган компрессорнинг сўриш технологик тизимини суюқлик ажратгич билан, газни ҳайдаш тизимини мойтўгич билан таъминланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;

е) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ҳисоб-китоб тизимини яратилганлиги ва яроқлилигини тасдиқловчи мутасадди корхоналар томонидан берилган хужжатларни мавжудлиги;

ж) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида «Ўздавнефтгазинспекция»нинг худудий бўлимлари билан келишилган автомобилларга газ тўлдириш регламентининг мавжудлиги;

з) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатища ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар микдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услугуб (методика)ни мавжудлиги.

и) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида газни қабул қилиш, сақлаш, тарқатища ўлчов воситалари ва газ тўлдириш устунлари билан таъминланганлиги, ҳолати ва текширувдан (киёслашдан) ўтказилганлиги;

к) маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатища меъёрий хужжатлар билан таъминланганлиги;

л) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ишлаётган операторларнинг малакаларини оширганлиги тўғрисида гувоҳномаларининг мавжудлиги.

Эслатма: Топширилган хужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).

### **IV- бўлим.**

#### **Газ тўлдириш станциялари ёки газ тўлдириш пунктларида техник кўрик ўтказиш бўйича минимал талаблар**

##### **2. «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан технология талабларига риоя этилиши бўйича қўйиладиган минимал талаблар:**

а) газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасини «Хавфи юқори бўлган обьектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш” бўйича маҳсус лицензияга эга бўлган лойиҳачи корхона томонидан ишлаб чиқилганлиги;

- б) газ тўлдириш шохобчаси лойиҳасига мутасадди корхона томонидан берилган эксперт хулосасининг мавжудлиги ҳамда буюртмачи корхона томонидан тасдиқланганлиги;
- в) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар, агрегатлар ва бошқа ускуна ва жиҳозларни жойлашувининг лойиҳага мувофиқлиги;
- г) газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган насосни сўриш технологик тизимида фильтр билан, газни ҳайдаш тизимида тескари (обратный) клапан билан жиҳозланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;
- д) газ тўлдириш шохобчасига ўрнатилган компрессорни сўриш технологик тизимини суюқлик ажратгич ҳамда газни ҳайдаш тизимини мойтўтгич билан таъминланганлиги ва ташқи атмосфера таъсиридан ҳимояланганлиги;
- ж) автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида «Ўздавнефтгазинспекция»нинг худудий бўлимлари билан келишилган автомобилларга газ тўлдириш регламентининг мавжудлиги;
- е) маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар миқдори бўйича ваколатли корхона томонидан ишлаб чиқилган услубни (методика) мавжудлиги;
- к) газ тўлдириш шохобчасида газни қабул қилиш, сақлаш, тарқатишда ўлчов воситалари билан таъминланганлиги, ҳолати ва текширувдан (қиёслашдан) ўтказилганлиги;
- л) маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда меъёрий ҳужжатлар билан таъминланганлиги;
- м) газ тўлдириш шохобчасида ишлаётган операторларнинг малакаларини оширганлиги тўғрисида гувоҳномаларининг мавжудлиги.

Эслатма: Топширилган ҳужжатлар жамланмаси лицензия талабгорига қайтарилади (лицензия талабгорининг аризаси ва «Ўздавнефтгазинспекция» ходими маълумотномасидан ташқари).